



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 13 ноябрь, № 235 (9130)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИ ДАВР ОСТОНАСИДА



Марказий Осиё ўз тараққиётининг янги, тарихий аҳамиятга молик босқичига қадам қўймоқда. Бугун биз чи-накам бирдамлик босқичига ўтямиз. Бизнинг минтақамизда узок йиллар давомида илк бор биргаликда олдин-га қараб боришимиз учун пойдевор бўлиб хизмат қилаётган ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва ҳурмат муҳити шаклланмоқда.

Бу — ўз-ўзидан пайдо бўлиб қол-ган жараён эмас, балки умумий тақ-дири ва биргаликда тараққий этиш салоҳиятини англаб етган мамлакат-ларимиз етакчиларининг аниқ мақ-садга қаратилган саъй-ҳаракатлари ва сиёсий иродаси натижасидир. Айти пайтда бу жараён ўзаро ишонч муҳитида тобора қизгин тус олаётган Марказий Осиё мамлакатлари халқлари томонидан қўллаб-қувват-ланаётган минтақавий ҳамкорлик кенг қўламадаги заруратга айланишидан далолатдир.

Ҳамкорлигимизни минтақавий яқинлашувнинг янги босқичига олиб

чиқиш учун давлатларимиз даража-сида шароит яратилганини кўриб ту-рибмиз. Олдимизда эришилган ке-лишувларни фуқаролар ва бизнес учун аниқ натижа ва қулайликларга айлантиришдек стратегик вазифа ту-рибди. Марказий Осиё қарорлар шунчаки ҳужжат сифатида эмас, бал-ки минтақа мамлакатларида барқа-рор ривожланишни таъминлаш ва одамларнинг кундалик ҳаётини яхши-лаш учун қабул қилинадиган, имко-ниятлардан биргаликда фойдалани-ладиган умумий маконга айланиши керак.

Нисбатан қисқа муддатда минта-қавий ҳамкорлик ва ишончли муло-қотнинг самарали механизмига ай-ланган **Марказий Осиё давлатла-ри раҳбарларининг Маслаҳат уч-рашувлари** минтақамизда бўлаётган ўзгаришларнинг ёрқин тимсолидир. Ушбу учрашувлар Марказий Осиё-нинг бугунги тараққиёти ва келажа-гига дахлдор стратегик масалалар бўйича умумий ёндашувларни ишлаб

чиқиш учун асосий мулоқот майдони сифатида шаклланди.

Бўлажак **Тошкент саммити** бар-қарор, ўзаро боғлиқ ва фаровон Мар-казий Осиёни биргаликда барпо этишда янги муҳим босқични бошлаб беради.

Давлат раҳбарларининг Тошкент-даги учрашуви биз бошлаган йўлнинг давоми сифатида мамла-катларимизнинг ўзаро англашув ва шериклик руҳига содиқлигини тас-диқлаши, минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштиришда туб бурилиш яса-ши керак.

Жаҳон тартиботининг кенг қўла-мда трансформацияга учраши, глобал иқтисодиётни парчалашга қаратилган хатарлар, иқлим ўзгариши, озиқ-ов-қат ва энергетика хавфсизлиги бил-ан боғлиқ муаммоларнинг кескин-лашиб бораётгани саъй-ҳаракатлари-мизни бирлаштириш йўлидаги инти-лишимизни кучайтирди.

(Давоми 2-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мультимодал ташувлар бўйича халқаро форумда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Туркий давлатлар ташкилоти Оқсоқоллар кенгаши раиси Бинали Йилдиримни қабул қилди.



Учрашув аввалида юқори марта-бали меҳмон давлатимиз раҳбарига Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг салом ва энг эзгу тилакларини етказди.

Кенгашнинг кўп томонлама ташаб-бусларни мувофиқлаштириш ва ил-гари суришдаги ўрни ҳамда фаол иш-тироки ортиб бораётганини ҳисобга олиб, ташкилот доирасидаги ҳамкор-

ликни янада кенгайтириш масалала-ри кўриб чиқилди.

Жорий йилда Будапешт ва Габала шаҳарларида ўтган Туркий давлатлар ташкилоти саммитларида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган страте-гик таклифларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз Оқсоқоллар кенга-шининг институционал салоҳиятини

мустаҳкамлаш, шунингдек, туркий халқларнинг миллий анъаналари, маънавий мероси ва маданий бир-лигини сақлашга қаратилган қўшма лойиҳаларни илгари суриш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқишни таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЮНЕСКОНИНГ ЯНГИ САЙЛАНГАН БОШ ДИРЕКТОРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 ноябрь куни БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) бош директори лавозимига сайланган Ҳолид ал-Ананийни қабул қилди.

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси якунлари ва БМТнинг ушбу нуфузли институти билан ҳам-корликни янада ривожлантириш ис-тиқболлари кўриб чиқилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Ҳолид ал-Ананийни юксак лавозимга сайлангани билан таб-риклаб, келгуси фаолиятига муваф-фақиятлар тилади.

Ўз навбатида, янги сайланган бош директор Ўзбекистон Президентига ташкилотнинг бош тадбири қўллаб-қувватлангани ва юксак савияда таш-кил этилгани учун алоҳида миннат-дорлик билдирди.

Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасида кенг қўламли йўналишларни қамраб олган тизимли ва сермахсул ҳамкор-лик йўлга қўйилгани мамнуният бил-ан қайд этилди. Томонларнинг ҳам-

корликни янада фаоллаштириш, жум-ладан, ташкилотнинг мамлакатимиз-даги лойиҳавий фаолиятини кенг-гайтириш борасидаги интилиши қатъий экани тасдиқланди.

ЮНЕСКО Бош конференциянинг очилиш маросимида Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти томонидан илгари сурилган стратегик ташаббус-ларни биргаликда амалга оширишга тайёр экани таъкидланди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЮТА ШТАТИ БИЛАН АЛОҚАЛАРНИНГ МУСТАҲКАМЛАНИШИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Юта штатининг Исо Масих Охирги замон авлиёлари черкови оқсоқоли Дэвид Беднар ва «Stirling» халқаро хайрия фонди раиси Майлс Хансендан иборат бизнес делегациясини қабул қилди. Учрашувда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Жонатан Хеник ҳам иштирок этди.

Ўзбекистон — АҚШ стратегик ше-риклик муносабатларининг суръати ортиб бораётган шароитда Юта штати билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривож-лантириш истикболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ва Юта штати ўртаси-даги фаол мулоқот ва алмашинув-

лар мамнуният билан қайд этилди. Рақамлаштириш, таълим ва ижти-моий ҳимоя соҳаларида қўшма лойиҳалар бошланган.

Инновациялар, тоғ-кон саноати, хотин-қизлар тадбиркорлиги, инк-люзив таълим, соғлиқни сақлаш, сув таъминоти ва санитария соҳалари-да лойиҳаларни амалга ошириш

учун катта салоҳият борлиги таъ-кидланди.

Яқунда ҳудудлараро алоқаларни ривожлантириш мақсадида Юта шта-ти губернатори бошчилигидаги де-легациянинг Ўзбекистонга таширфи-ни ташкил этиш юзасидан келишув-га эришилди.

Ў.А.

МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга инфляцияни жиловлаш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳамда 2026 йилга мўлжалланган вазифалар тўғрисида ахборот берилди.

Ички бозорни тўйинти-риш ва инфляция омилла-рини жиловлаш бўйича из-чил ишлар туфайли бар-қарор иқтисодий ўсиш таъ-минланаётгани, инфляция-ни пасайтириш ва миллий валютани мустаҳкамлаш-да ижобий натижаларга эришилгани қайд этилди.

2025 йил 1 ноябрь хола-тига кўра, йиллик инфля-ция даражаси ўтган йилги 10,2 фоиздан 7,8 фоизга-ча пасайган. 2026 йилда бу кўрсаткични 7 фоизгача тушириш, 2027 йилда эса 5 фоиз доирасида ушлаб туриш режалаштирилмоқда.

Шу мақсадда ички бо-зорда товар ва хизмат-лар таклифини рағбат-лантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ху-сусан, 2026 йилда банк-

лар аграр тармоқ, озиқ-овқат саноати ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги лойиҳаларни молиялашти-ришни кенгайтиради.

Йигилишда асосий тур-даги озиқ-овқат маҳсулот-лари нархларининг барқа-рорлигини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўриш муҳимлиги таъкид-ланди.

Юқори ўсиш суръатла-ри ва аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида кел-гуси йилда тижорат банк-лари томонидан иқтисо-дийётга ажратиладиган кре-дитлар ҳажми 450 трилли-он сўмга етказилади.

Давлатимиз раҳбарига микро, кичик ва ўрта биз-несни қўллаб-қувватлаш бўйича берилган топши-риқларнинг ижроси ҳақида

ахборот берилди. Йил бо-шидан буён тадбиркорлик субъектларига 116 трилли-он сўмлик кредитлар аж-ратилди, бу ўтган йилда-гига нисбатан 1,4 баробар кўпдир.

Маҳаллабай ишлаш доирасида 89 минг фуқа-ронинг бизнес ташаббус-лари қўллаб-қувватланиб, уларга 1,1 триллион сўмлик кредитлар ажра-тилди. Йил якунига қадар мазкур кўрсаткич 100 минг нафарга етказ-илади.

2026 йилда ҳам камба-ғалликни қисқартириш, аҳолини тадбиркорликка фаол жалб этиш бўйича ишларни изчил давом эттириш режалаштирил-ган. Микро, кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш ҳаж-

мини 140 триллион сўмга етказиш, яна 100 минг фуқаронинг лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мўлжал-ланган.

Президентимиз аҳоли ва бизнес учун барқарор молиявий муҳит яратиш, банк тизимида ишончли мустаҳкамлаш ҳамда мо-лия бозорида соғлом ра-қобатни ривожлантириш бундан буён ҳам банк-мо-лия сиёсатининг бош ва-зифаси бўлиши лозимли-гини таъкидлади.

Мутасаддиларга инфля-цияни жиловлаш, тадбир-корлик ташаббуслари-ни қўллаб-қувватлаш, мамлакатимиз макроикти-содий барқарорлигини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча топшириқлар берилди.

Учрашув

МИНТАҚАВИЙ
ҲАМКОРЛИКНИ
ЧУҚУРЛАШТИРИШДА
МУҲИМ ПЛАТФОРМА

Тошкент шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқоти мажлиси доирасида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева халқаро ҳамкорлар ҳамда қўшни давлатлар парламентлари вакиллари билан учрашувлар ўтказди.

Унда минтақада аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни ва фаоллигини ошириш, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Сенат Раиси БМТнинг Европа ва Марказий Осиё бўйича Тараққиёт масалаларини мувофиқлаштириш идораси минтақавий директори Гви-Йеоп Сон хоним билан учрашувда Ўзбекистон ва БМТ тизимидаги ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари, Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ислохотларга қўшаётган ҳиссаси ҳақида фикр алмашди.

Гви-Йеоп Сон хоним Самарқандда ўтаётган ЮНЕСКОнинг 43-сессияси Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларга халқаро ҳамжамият томонидан билдирилаётган юксак ишонч ифодаси эканини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, Сенат Раиси Танзила Норбоева Қирғиз Республикаси Жогорку Кенеши Торағаси ўринбосари Жылдыз Садырбаева, Тожикистон Республикаси Мажлиси намоёндагон Мажлиси Оли раисининг ўринбосари Муини Мавсума, Қозоғистон Республикаси Парламент Мажлиси раиси ўринбосари Дания Еспаева ҳамда Туркменистон Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва ёшлар сиёсати қўмитаси раиси Мирадова Байрамгозель билан ҳам учрашувлар ўтказди.

Мулоқотларда давлатлар ўртасида дўстона қўшничилик, ўзаро ишонч ва стратегик ҳамкорликка асосланган муносабатлар изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Бу жараёнда етакчи аёлларнинг фаол иштироки, уларнинг ҳуқуқ ва манфатларини таъминлаш, жамиятда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган ислохотларнинг аҳамияти алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, ҳудудлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада фаоллаштириш, саноат, энергетика, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-гуманитар йўналишларда қўшма лойиҳаларни кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Учрашув иштирокчилари Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқоти минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш, аёллар фаоллигини ошириш ва барқарор тараққиёт мақсадларига эришишда муҳим платформа эканини алоҳида таъкидлашди.

Олий Мажлис Сенати
Ахборот хизмати.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



ТАБИЙ ЗАХИРАЛАР
НАЗОРАТ ОСТИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Тadbirkorlik, raqobatni rivojlantirish va sanoat masalalari kumitasining iygiliishi bulyi utdi. Unda Tog-kon sanoati va geologiya sohasini nazorat qiliish inspeksiya tomonidan jorij iylning utgan davrida amalga oshirilgan ishlar yozasidan axboroti eshtilidi.

Тadbirkorlik davomida 2025 йилда инспекция томонидан ер қазырдан ноқонуний фойдаланиш, ер ости сувлари назорати йўналишларида бир қанча назорат тadbirkorlik amalga oshirilgani taъkidlandi. Natijada jismoniy va yuridik shaxslarga tegishli ёзма қўрсатмалар берилган. Айрим корхоналарнинг иш фаолияти тўхтатилган бўлса, ҳуқуқбузарлик содир этган қатор субъектлар маъмурий жавобгарликка тортилган.

Бу йилда ер қазырдан фойдаланишда видеотасвир орқали ёзиб олинган ҳуқуқбузарликларни қўриб чиқиш, видеоёзувларни юборган шахсларни рағбатлантириш тартибини белгилувчи низом тасдиқлангани соҳада жамоатчилик назоратини қучайтириб, қонун бузилиши ҳолатларини сезиларли даражада қамайитиришда муҳим аҳамият касб этди.

Бугунги кунда инспекция томонидан соҳани рақамлаштириш бўйича жадвал қаратилар олиб борилмоқда. "Геомониторинг" ахборот тизими ишлаб чиқилиб, "яширин иқтисодиёт"нинг олдини олиш учун ахборот тизимида норууда фойдали қазилмалар бўйича маълумотлар базаси рақамлаштирилди. Бир қанча тегишли давлат органларидаги тизимлар билан интеграция қилинди.

Мунозаралар давомида депутатлар ўтган даврда амалга оширилган ишларни эътибор этиб, соҳада айрим масалалар борлигини айтишди. Хусусан, ноқонуний қазиб олиш ҳолатлари ҳануз юқори экани, бу борада назорат тadbirkorlikni қучайтириш лозимлиги таъкидланди. Депутатлар томонидан соҳани рақамлаштириш жараёнини жадаллаштириб, инсон омиллини қамайтириш, тadbirkorlikni субъектлари учун шаффоф ва соддалаштирилган тартиб-таомилларни таъминлаш, тоғ-кон саноати корхоналарида содир бўлган бахтсиз ҳодисалар сабабларини таҳлил қилиб, уларнинг олдини олиш лозимлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, инспекция томонидан ўтказилган ички хизмат текширувлари натижаларидан келиб чиқиб, коррупциянинг олдини олиш ва ходимларнинг масъулиятини ошириш бўйича қўшимча чоралар қўриш муҳимлиги қайд этилди. Муҳокама-лар чоғида ноқонуний қазиб олишга қарши чораларни қучайтириш, ҳуқуқбузарликларга қарши самарали курашиш, инспекция томонидан қўрсатилган давлат хизматларини рақамлаштириш ва онлайн шаклга ўтиш, соҳада кадрлар сонини қўпайтириш бўйича қатор таклифлар берилди. Яқунда кун тартибидagi масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ
СТРАТЕГИК ОМИЛИ

Хозирги глобаллашув жараёнларида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштироки жамият тараққиётининг муҳим кўрсаткичларида бирига айланиб бормоқда. Сиёсий фаол аёллар жамиятда тенглик ва адолатни таъминлашга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, демократик институтларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Шу жиҳатдан улар нафақат оила ва маънавият соҳасида, балки давлат бошқаруви, сиёсат ва жамоатчилик фаолиятида ҳам муҳим роль ўйнамоқда.

Форум

Ўзбекистонда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, мамлакат Конституцияси ҳамда "Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги Қонунда гендер тенглик тамойиллари мустаҳкамлаб қўйилган. Уларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки учун институционал механизмлар яратилган.

Бугун ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг қайси жабҳасига қараманг, хотин-қизларимизнинг фаол қатнашиб келаётганини кўрамиз ва бу жараён янада тақомиллашиб бормоқда.

Куни кеча Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқоти мажлисида кўтарилган масалалар, илгари сурилган гоғлар ҳам фикримизнинг исботидир.

Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон парламентлари раҳбарлари ҳамда расмий делегациялари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари қатнашган ушбу халқаро анжуман жорий йилда 30 йиллиги нишонланаётган Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформасининг устувор мақсадларини амалга оширишда минтақавий ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилди. Мазкур халқаро ҳужжатлар аёлларнинг сиёсий иштироки, иқтисодий мустақиллиги, таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларига тенг ҳуқуқли кириш, гендер зўравонлиқни бар-тароф этиш ва экологик ҳамда иқлим сиёсатида аёлларнинг ролини қучайтириш каби 12 та муҳим йўналишни ўз ичига олади.

Анжуманини кириш сўзи билан очиб берган Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева минтақада аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини ошириш, уларнинг салоҳиятини намоён этиш ва давлат бошқарувидаги ўрнини мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган ишларни таъкидлади. Марказий Осиёда аёллар ролининг ортиши — нафақат жамият тараққиёти, балки тинчлик, барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг кафолати эканини, ушбу мулоқот аёллар ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқишини қайд этди.

Мулоқот мажлиси доирасида иштирокчилар бир неча сессияларга бўлинган ҳолда бугунги кунда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги иштирокига доир энг долзарб масалаларни муҳокамадан ўтказди.

"Қарор қабул қилиш жараёнида аёлларнинг иштироки: ҳуқуқлар, имкониятлар ва масъулият" мавзусидаги биринчи сессия ишини "БМТ-аёллар" ташкилотининг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси раҳбари Черен Гювен Гюреш ўз маърузаси билан очиб берди. У минтақада аёлларнинг сиёсий ҳаётдаги иштироки ортиб бораётганини айтarkan, бу борадаги кенг қўламли ислохотлар давом этиши зарурлигини таъкидлади.

Сўзга чиққанлар аёлларнинг парламент, ижро ҳокимияти ва маҳаллий Кенгашлардаги улушини амалий механизмлар орқали ошириш, гендер квотаси ва мувозанатини таъминлашнинг самарали воситаларини жорий қилиш масалаларига эътибор қаратди. Бундан ташқари, маърузаларда хотин-қизларнинг сиёсий иштироки учун қонуний кафолатларни янада мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг сиёсий фаоллигини чеклаётган маданий, ижтимоий ва иқтисодий омилларни бартараф этишга уруғ берилди.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир фуқаронинг, жумладан, аёлларнинг давлат ва жамоат ишларида қатнашиш ҳуқуқи кафолатланган. Шунингдек, 2019 йилда имзоланган "Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги Қонун аёлларнинг сиёсий жараёнларда тенг иштирокини таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда. Мазкур қонунга мувофиқ, аёллар давлат бошқаруви органларига сайланиш, раҳбарлик лавозимларига тайинланиш ва сиёсий қарорлар қабул қилишда тенг ҳуқуқларга эга. Бу нормалар БМТнинг "Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллари"ни тугатиш тўғрисидаги конвенция"си талабларига ҳам мос келади.

Сессия қатнашчилари аёлларнинг қарор қабул қилиш жараёнидаги иштироки адолат ва тенгликнинг ўзига хос талаби бўлиш билан бирга, мамлакатлар барқарор тараққиётга эришишида асосий омил эканини ҳам таъкидлади.

Марказий Осиёда аёллар тadbirkorligi — иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорлик манбаи мавзуси ҳам иштирокчиларнинг қизгин муҳокамаларига сабаб бўлди. Унда аёллар тadbirkorligini қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтисодий мустақиллиги ва бизнесдаги имкониятларини кенгайтириш, минтақада тadbirkor aёллар ўртасида ҳамкорлик лойиҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича атраф-лича мулоҳаза юритилди.



Ақмол МУҲАММАДОВ олган сурат.

Сир эмас, бугун аёллар тadbirkorligi нафақат кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиради, балки иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартириш, маҳаллий иқтисодиёт барқарорлигини мустаҳкамлашда ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

Тadbirkorlikchilari маърузаларида аёллар тadbirkorligini ривожлантириш учун қонуний ва институционал механизмларни мустаҳкамлаш, молиявий ресурсларга етишишдаги тўсиқларни қамайтириш, бизнесни рақамли иқтисодиёт ва экспорт бозорларига интеграция қилиш, минтақавий қўшма стар-таплар ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, тadbirkorlik фаолиятини юритишда гендер стереотиплар ва ижтимоий тўсиқларни бартараф этиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Мулоқот мажлиси доирасидаги навбатдаги мавзу "Аёллар салоҳиятини оширишда таълим ва репродуктив саломатлик сиёсати" йўналишида бўлди. Аёллар салоҳиятини ошириш — мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ривожланишида ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Инсон капиталида аёллар билан, маданият ва маънавиятни авлоддан авлодга етказувчи асосий куч сифатида муҳим ўрин тутади.

Таълим — аёллар салоҳиятини юксалтиришда энг самарали восита. ЮНЕСКО маълумотларига кўра, билимли аёллар оилавий қарорларда фаоллиқни намойиш қилади, соғлом турмуш тарзини танлайди, уларнинг иқтисодий жараёнларда иштирок этиш имконияти юқори-роқ бўлади.

Мамлакатимизда аёлларнинг таълим соҳасидаги иштироки давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Хусусан, қизлар учун олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига кириш имкониятлари кенгайишда, "STEM" соҳаларида қўллаб-қув-

ватлаш дастурлари амалга оширилмоқда, уларнинг билим ва кўникмаларини кенгайтириш мақсадида Аёллар таълим ва касб маҳоратини ривожлантириш марказлари ташкил этилган. Бу чоралар хотин-қизларнинг меҳнат бозорида рақобатбардош шахсларга айланишига хизмат қилмоқда.

Аёллар учун репродуктив саломатлик, бу фақат тиббий ёки биологик ҳодиса эмас, балки ижтимоий ва маънавий категория ҳамдир. БМТ таърифига кўра, репродуктив саломатлик инсоннинг соғлом турмуш кечириш, фарзанд қўриш ёки кўрмаслик ҳақида онгли қарор қабул қилиш ҳуқуқини таъминлайдиган ҳолатдир.

Муҳокамаларда таълим ва соғлиқни сақлаш соҳалари аёлларнинг инсон капитали, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва иқтисодий мустақиллигини таъминлайдиган асосий омиллар экани таъкидланди.

Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқоти мажлиси доирасида "Инновациялар, оммавий ахборот воситалари ва иқлим сиёсатида аёллар иштироки — имкониятлар ва тўсиқлар" ҳамда "Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши курашиш ва ҳуқуқий ҳимоя" мавзуларида ҳам фикр юритилди.

Муҳокамаларда аёлларнинг илмий-техник ва инновацион лойиҳалардаги иштироки, рақамли трансформация, медиа ва иқлим сиёсатини шакллантиришдаги роли, шунингдек, бу соҳаларда қарор қабул қилиш жараёнларига жалб этилиши, ОАВ орқали гендер стереотипларини енгиш имкониятлари кўриб чиқилди. Хотин-қизларни зўравонликдан ҳимоя қилиш, юридик ва психологик ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш, давлат ва фуқаролик жамияти ҳамкорлигини ривожлантириш каби масалалар борасида ҳам қизгин муҳокамалар бўлиб ўтди. Хусусан, оилада зўравонлиқнинг ол-

Ҳамроқул ҚАРШИЕВ
(«Халқ сўзи»).

ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУғЛАШ СИЁСАТИНИНГ
АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирокида Янги Тошкент шаҳридаги йирик спорт иншооти — замонавий футбол стадиони қурилишига тамал тоши қўйилиши мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёш авлодни соғлом турмуш тарзига йўналтириш борасида муҳим қадам бўлди.

Муносабат

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барпо этилаётган мазкур йирик лойиҳа келгусида ўзбек футболининг янада ривожланишига хизмат қилади. Бугун жамоатчилик, спортчилар, айниқса, футболга қизиқадиган миллионлаб мухлислар йирик стадион қурилишига оид хабарни катта ҳурсандчилик билан кутиб олди.

Дарҳақиқат, спорт — миллат салоҳиятини белгилайдиган куч. Замонавий стадион қурилиши нафақат футбол соҳаси,

балки бутун спорт инфратузилмаси учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки спорт — халқ саломатлиги, ёшлар руҳияти ва миллат салоҳиятининг асоси. Айниқса, футбол бутун дунёдаги энг оммавий ва таъсирчан спорт тури ҳисобланади. У нафақат турнир майдонларида, балки миллат руҳиятида, жамият бирдамлигида ҳам катта аҳамият касб этади. Халқимизнинг футболга бўлган муҳаббати, Ватан шаънини ҳимоя қилаётган спортчиларимизга бўлган ишончи юксак.

Янги Тошкентда барпо этиладиган бу стадион халқаро стандартларга жавоб бе-

рувчи, кўп функцияли спорт мажмуаси бўлади. Унда нафақат республика, балки халқаро мусобақаларни ҳам ўтказиш имкони яратилади. Бу эса жаҳон майдонида мамлакатимизнинг нуфузини янада оширади, туризм ва иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатади. Энг муҳими, мамлакатимиз байроғини халқаро спорт ареналарида янада баланд кўтаришга хизмат қилади.

Албатта, ёшларимизга шарт-шароит яратиш, замонавий спорт майдонлари қуриш — бу уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш учун асосий омил. Янги стадион орқали нафақат профессионал спортчилар, балки оммавий спорт билан шуғулланувчи ёшлар ҳам замонавий муҳида машғулот ўтказиш имконига эга бўлади.

Айтиш мумкинки, Янги Тошкентдаги бу бунёдкорлик ишлари мамлакатимиздаги

изчил ислохотларнинг мантиқий давоми-дир. Инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли учун қулай муҳит яратиш, маданий ва спорт объектиларини қуриш — буларнинг барчаси инсон қадрини улуғлаш сиёсатининг амалдаги ифодаси.

Ўз навбатида, биз, депутатлар ҳам бу каби йирик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаган ҳолда уларнинг амалга ошиши учун зарур ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратамиз.

Шубҳасиз, Янги Тошкентда барпо қилинаётган бу улуввор стадион келгусида мамлакатимизнинг спорт, айниқса, футбол марказига айланишида муҳим аҳамият касб этади. Ёшларимизни галабалар сари илҳомлантиради ва Ўзбекистон но-мини дунёга янада кенг танитади.

Шухрат ЁҚУБОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати.

Меҳнат кодексига киритилган ўзгартиришларга кўра, иш вақтидан ташқари ишнинг давомийлиги йилига 120 соатдан ошмаслиги тўғрисидаги талаб чиқариб ташланди.

АМЕРИКАЛИК ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОҲОТЛАРИГА ИШОНЧИ БАЛАНД

Давлатимиз раҳбарининг ўтган ҳафта Америка Қўшма Штатларига амалга оширган таширифи доирасида эришилган муҳим воқеалардан бири АҚШ Экспорт-импорт банки раҳбари Жон Йованович билан учрашув ва мазкур банк билан имзоланган Қўшма лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисидаги битим бўлди.

Мазкур молиявий муассасанинг АҚШ ҳукумати расмий экспорт-кредит агентлиги мақомига эгаллиги инобатга олинса, имзоланган ҳужжат

Нуктаи назар

Инвестициялар оқими кўпаяди

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда АҚШ Эксимбанки ўртасида имзоланган битим “С5+1” саммити доирасидаги муҳокама-ларнинг амалий натижаси бўлиб, сўздан амалий ишларга ўтишнинг аниқ кўрсаткичидир. У энергетика, муҳим минераллар, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва АТ каби стратегик йўналишлардаги йирик лойиҳаларни молиялаштириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос вази-фасини ўтайди, лойиҳаларни ишга тушириш жараёнини тезлаштиради ва уларга молиявий кафолат беради. Битим АҚШдан Ўзбекистонга тўғридан-тўғри инвестициялар оқимининг кўпайишига хизмат қилади. Бу эса бошқа халқаро инвесторлар учун ҳам Ўзбекистон бозорига киришга ижобий сигнал бўлиб хизмат қилади. Битимда “амалий ҳамкорликни давом эттириш ва узоқ мuddатли шериклик режасини ишлаб чиқиш”га келишилгани ҳамкорликнинг вақтинчалик эмас, балки давомий бўлишидан далолат беради.

Умуман олганда, имзоланган келишув Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш йўлида АҚШ билан стратегик ва амалий ҳамкорликни чуқурлаштириш, илгор технологияларни жалб этиш ҳамда миллий иқтисодиёт модернизацияси учун муҳим эшиклар очади. Бу давлатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириб, барқарор ва жадал тараққиётини таъминлашга хизмат қилади.

Мақсад — иқтисодий ўсишни рағбатлантириш

Таширф доирасида бўлиб ўтган АҚШ Халқаро молиявий тараққиёт корпорацияси (DFC) бош директори Бен Блэк билан учрашувда ҳам олий даражадаги фаол мулоқотлар ва савдо-инвестициявий ҳамкорлик кенгайиб бораётгани қайд этилди. Энергетика, муҳим минераллар, молия, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва АТ соҳаларида йирик қўшма ташаббуслар ишлаб чиқилмоқда. Амалий шериклиكنи чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Устувор лойиҳаларни молиялаштириш учун қўшма инвестиция платформасини яратишни жадаллаштириш, ки-чик бизнесни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Тошкент шаҳрида корпорациянинг минтакавий офисини очиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари корпорациянинг инфра-тузилма лойиҳаларини амалга оширишда давлат-хусусий шериклик асосида иштирок этиши муҳимлигини таъкидлади.

“DFC” — АҚШнинг миллий ривожланиш институтидир. У ривож-

Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши ва АҚШ билан ҳамкорлигида нақадар катта аҳамиятга эга экани янада ойдинлашади.

АҚШ Эксимбанки йирик инфратузилмавий ва саноат лойиҳаларини молиялаштириш учун зарур ҳисобланган салмоқли молиявий маблағларга эга бўлиб, у Қўшма Штатлар компанияларининг хориждаги фаолияти билан боғлиқ хавфларни суғурталаш ва кафолатлаш орқали уларни Ўзбекистон бозорига жалб қилишда муҳим роль ўйнайди.



ЯИМнинг ўсишига сезиларли ҳисса қўшади. Ишлаб чиқаришнинг кенгайиши, маҳаллийлаштиришнинг чуқурлашуви ва янги технологияларнинг жорий этилиши минглаб янги иш ўринларини яратди. Агар ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспортга йўналтирилса, бу мамлакатга валюта тушумларини оширишга хизмат қилади. “GM” билан ҳамкорлик нафақат мавжуд моделларни ишлаб чиқаришни, балки маҳсулот турини кенгайтириш орқали авто-мобиль саноатини диверсификация қилишни аниқлатади. Бу бозор талабларига мос келадиган янги турдаги автомобилларни (масалан, электромобиллар, гибридлар ёки замонавийроқ ёқилғи тежамкор моделлари) ишлаб чиқариш имконини бериши мумкин.

Маҳаллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш импортга қарамликни камайтиради, маҳсулот танна-рини пайсаятиради ва саноатни ривожлантиришга туртки беради. Бу қўшилган қиймат занжирини мамлакат ичида сақлаб қол-иш имконини яратди. “GM” каби глобал етакчи билан ҳамкорлик энг замонавий ишлаб чиқариш техноло-гиялари, бошқарув тизимлари ва сифат назорати стандартларининг Ўзбекистонга кириб келишини таъминлайди. Маҳаллий мутахассис-ларнинг малакасини оширади ва бутун машинасозлик тармоғининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Замонавий машинасозликда талаб юқори бўлган янги техно-логиялар ва хомашё соҳасидаги қўшма лойиҳалар, масалан, аккумуляторлар ишлаб чиқариш, эн-гил ва мустаҳкам материаллар яратиш каби йўналишларни ўз ичига олиши мумкин. Булар ке-лажадаги автомобиль саноати учун стратегик аҳамиятга эга. “General Motors” каби йирик гло-бал компаниянинг Ўзбекистон би-лан узоқ мuddатли ҳамкорликка бўлган қизиқиши мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, инвестиция муҳити ва сиёсий барқарорликка бўлган ишончнинг яққол далилидир.

Савдо алоқалари янада мустаҳкамланади

Америка Қўшма Штатлари савдо вазирлиги Ховард Латник билан учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳ-

Мамлакатимиз етакчилигининг АҚШ савдо вазири ва бошқа йирик корпорация ҳамда компаниялар вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувлари Ўзбекистон учун АҚШнинг улкан салоҳияти ва техно-логияларидан фойдаланган ҳолда иқтисодиётни модернизация қилиш, савдо айланмасини ошириш, янги инвестицияларни жалб этиш ва барқарор ривожланишни таъминлаш учун кенг имкони-ятлар эшигини очади. Бу давлатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириб, глобал иқтисодий жараёнларга интеграцияла-шувига хизмат қилади.

Садриддин ТУРОБЖОНОВ,
Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети
ректори, техника фанлари доктори, академик.

Анжуман

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАР

Тошкент давлат аграр университети (ТошДАУ) ташкил этилганига 95 йил тўлиши муносабати билан “Глобал иқлим ўзгариши шароитида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

Унда сўзга чиққан Қишлоқ хўжалиги вазири, академик Иброҳим Абдураҳмонов илм-фан тараққиёти, ёшларнинг етук, билимдон мутахассислар бўлиб вояга етиши, бу борада боғчадан тортиб мактаб ва олийгоҳларга қадар бутун тизимни такомиллаштириш Президентимизнинг эътиборида эканини алоҳида таъкидлади. ТошДАУнинг бугунги илмий салоҳияти, таълим-тарбия, халқаро ҳамкорлик йўналишида эришяётган ютуқлари бунга яққол мисолдир.

Тадбирда Қозоғистон қишлоқ хўжалиги фанлари академияси президенти Тлектес Есболов, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ва-кили Шоки Ал-Добаи, Россия давлат аграр универси-тети — К. А. Тимирязев номидаги Москва қишлоқ хўжалиги академияси ректори, академик Владимир Труханов, Шимоли-Ғарбий қишлоқ ва ўрмон хўжалиги университети вице-президенти, профессор Ма Чунан каби дунёда тан олинган олим ва мутахассис-лар қатнашди.

Нотикларнинг эътирофи эйтишча, бугунги кунда гло-бал иқлим ўзгариши, озиқ-овқат хавфсизлиги ва бар-қарор ривожланиш каби долзарб муаммоларни ҳал этишда ТошДАУ сингари халқаро эътирофга лойиқ илмий муассасаларнинг ўрни бекиёс. Кейинги йил-ларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бу даргоҳ оддий институтдан дунёдаги нуфузли ташки-лотлару университетлар билан интеграциялашган йи-рик илмий марказга айланди.

Қарийб бир асрлик фаолияти давомида мамлака-тимиз иқтисодиёти, аграр тармоғи учун юз минглаб малакали мутахассисларни тайёрлаб берган универ-ситет битирувчилари орасида академиклар, таниқли давлат арбоблари, хорижий ташкилотлар мутасадди-лар, иқтидорли ва жонқуяр олимлар, илмий ишлари хорижда эътироф этилган профессорлар борлиги ки-шини фахрлантиради. Айни чоғда 15 мингдан ортиқ талабаларни ўз бағрида жамлаган ТошДАУ таркибида 8 та факультет, 29 та кафедра, илмий-тадқиқот лабо-раториялари ва инновацион таълим марказлари фао-лият юритмоқда. Университетда таълим-тарбия жа-раёнларини янада такомиллаштириш, илмий салоҳия-тини ошириш, халқаро лойиҳалар ва ҳамкорлик кўла-мини кенгайтиришга устувор вазифа сифатида эъти-бор қаратилмоқда.

— Очиги, конференция баҳонасида бу ерга келиб, университетда амалга оширилган сўнгги янгиликлару тажриба даласидаги ўзгаришлар, яқинда ўрнатилган замонавий асбоб-ускуналарни кўриб ҳайратни ошди, — дейди Қозоғистон қишлоқ хўжалиги фанлари ака-демияси президенти Тлектес Есболов. — Бу Ўзбекис-тонда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга илмий асосда ёндашилаётганидан далолат беради. Универ-ситет жамоасини қўтлуг сана билан табриклаган ҳолда уларнинг машаққатли ва шарафли фаолиятига куч-қувват тилайман. Президентларимиз сингари биз, олимлар ҳам янада яқин бўлсак, илмий соҳада ҳам-корликни янада кучайтирсак, шубҳа йўқки, ютуқлари-миз дунёда дoston бўлади.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

E'lon

«Yevroosiyо Banki»
aksiyadorlik jamiyatining
Tugatish komissiyasi
kreditornlari kreditornlar
talablari reyestri
shakllantirilishi
yakunlanganligi haqida
xabardor qiladi.

2025-yil 17-noyabr kuni soat 9:00 dan 18:00 gacha kreditornlar o'z talablarini ko'rib chiqish natijalari, ularning navbati hamda talablarni qondirish jarayoni boshlanishi to'g'risidagi ma'lumotlar bilan quyidagi manzilda tanishishlari mumkin: Toshkent shahri, Yunusobod tumani, Minor tor ko'chasi, 77-uy.

Qo'shimcha ma'lumotni 33-477-27-11 telefon raqamini yoki info@eubank.uz elektron pochta manzili orqali olish mumkin.

«Yevroosiyо Banki» AJ
Tugatish komissiyasi.

O'zbekiston davlat konservatoriyasi huzuridagi

BOTIR ZOKIROV NOMIDAGI MILLIY ESTRADA SAN'ATI INSTITUTI

quyidagi kafedralar bo'yicha lavozimlarga tanlov e'lon qiladi:

Estrada xonandaligi kafedrası — kafedra mudiri, dotsent (1);
Estrada cholg'ularida ijrochilik va dirijyorlik kafedrası — kafedra mudiri, professor (1);
Fortepiano ijrochiligi kafedrası — kafedra mudiri, o'qituvchi (1), dotsent (1);
Musiqiy nazariy va tarixiy fanlar kafedrası — dotsent (1);
Kompozitorlik va aranjirovka kafedrası — dotsent (1);
Musiqiy ovoz rejissyorligi kafedrası — dotsent (2).

Arizalar e'lon chiqqan kundan boshlab bir oy muddat ichida Botir Zokirov nomidagi Milliy estrada san'ati institutining xodimlar bo'limi tomonidan qabul qilinadi.

Manzil: Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, Botir Zokirov ko'chasi, 1-uy. O'zDK huzuridagi Botir Zokirov nomidagi Milliy estrada san'ati instituti. **Telefonlar:** 97-139-35-25, 90-823-31-80.

Tanlovda ishtirok etish uchun da'vogarlar quyidagi hujjatlarni taqdim etishlari lozim:

- rektor nomiga ariza;
- xodimlar shaxsiy varaqasi;
- oliy ma'lumoti, ilmiy darajasi, ilmiy unvoni haqida diplom va attestatlarning nusxalari;
- o'quv-uslubiy, ilmiy tadqiqot va ilmiy-ijodiy ishlari ro'yxati;
- mutaxassislik bo'yicha oxirgi uch o'quv yilida malaka oshirganligi to'g'risidagi guvohnoma yoki sertifikat nusxasi.

Автомобиль саноати иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, унинг ривожланиши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 10 552 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.



Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

Тахририятга келган кўлаёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг мустақил берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфия жихатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 03.08 Топширилди — 03.15 1 2 3 4 5 6

2026 йил давомида қўшимча 56 дона замонавий метро вагонини харид қилиш кўзда тутилган.